

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

*Қўлёзма ҳуқуқида*  
УДК 81'322.5-053.2

ҚУРБОНОВА МУНАВВАРА АБДУЖАББОРОВА

**ЎЗБЕК БОЛАЛАР НУТҚИ ЛЕКСИКАСИНИНГ  
СОЦИОПСИХОЛИНГВИСТИК ТАДҚИҚИ**

10.02.19 – Тил назарияси

Филология фанлари номзоди илмий даражасини  
олиш учун ёзилган диссертация

**АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2009

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Умумий тилшунослик ва компьютер лингвистикаси кафедрасида бажарилган.

**Илмий раҳбар:** филология фанлари доктори, профессор  
**Ҳамидулла Арипович Дадабоев**

**Расмий оппонентлар:** филология фанлари доктори, профессор  
**Равшанхўжа Расулов**

филология фанлари номзоди, профессор  
**Омон Мўминович Мўминов**

**Етакчи ташкилот:** Тошкент давлат шарқшунослик институти

Ҳимоя Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги К.067.44.02 рақамли Ихтисослашган кенгашнинг 2009 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 100138, Тошкент, Учтепа тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, Г-9а мавзеси, 21-а уй, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий кутубхонасида (100138, Тошкент, Учтепа тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, Г-9а мавзеси, 21-а уй) танишиш мумкин.

Автореферат 2009 йил \_\_\_\_\_ ойининг \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш илмий котиби,  
филология фанлари номзоди, доцент

Д.Тешабоева

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Мактабгача ёшдаги болалар ва ўқувчилар нутқий мулоқотига оид социопсихолингвистик хусусиятлар тадқиқи таълим-тарбия жараёни билан бевосита боғлиқ бўлиб, истиклол йилларида юртбошимиз И.Каримовнинг ташаббуслари билан мазкур масалага катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг баркамол авлод тарбияси билан боғлиқ масалалар таҳлиliga бағишланган асарларида ушбу масалага алоҳида урғу берилган: “Келажакда Ўзбекистон юксак даражада таракқий этган иқтисоди билангина эмас, балки билимдон, маънавий жиҳатдан етук фарзандлари билан ҳам жаҳонни қойил қилиши лозим”<sup>1</sup>.

Демак, боланинг таълим-тарбияси ва когнитив таракқиёти билан боғлиқ хусусиятлар, энг аввало, унинг нутқий хулқида ўз ифодасини топади. Тилшуносликда мактабгача ёшдаги ўзбек болалар нутқининг онтогенетик хусусиятларини лингвистик аспектда ўрганиш юзасидан олиб борилган тадқиқотлар мавжуд. Кейинги даврларга келиб, ўзбек тилшунослигида болалар нутқининг лингвистик хусусиятлари ўрганила бошланган бўлса-да, ҳозирга қадар унинг лексик-семантик жиҳатлари социопсихолингвистик нуқтаи назардан монографик планда тадқиқ қилинмаган. Бу эса танланган мавзунинг нақадар долзарб эканлигини кўрсатади.

Ўзбек болалар нутқи лексикасига доир масалаларга ойдинлик киритиш тил ва нутқ муносабати, тафаккур ва нутқ муносабати, нутқий фаолият назарияси каби психолингвистик ҳамда социолингвистик муаммолар талқинида муҳим ўрин тутаяди. Бу эса ўз навбатида тилнинг ички имкониятларини янада аниқлаштириш учун хизмат қилади. Чунки тилнинг асосий қурилиш материали сўздир.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Болалар нутқининг лексик хусусиятлари жаҳон тилшунослигида атрофлича ўрганилган бўлиб, бу борада олиб борилган изланиш натижалари таҳлили Л.С.Виготский, А.Н.Гвоздев, Н.М.Юрьева, А.Г.Эллиот, О.О.Рулёва, С.Н.Цейтлин каби тадқиқотчиларнинг ишларида ўз ифодасини топган. Мазкур олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотларнинг аксарият қисмида асосан кичик ёшдаги болалар нутқига хос хусусиятлар баён этилган<sup>2</sup>.

Ўзбек тилшунослигида М.С.Исмаилов, О.Умархўжаева, Н.С.Сайидираҳимова ҳамда Г.Искандарова томонидан амалга оширилган қатор тадқиқотлар бу йўналишга бўлган қизиқишнинг тобора ортиб бораётганлигидан далолат беради. Уларда асосан мактабгача ёшдаги болалар нутқининг фонетик ҳамда грамматик хусусиятлари, болаларда нутқ маҳсулининг пайдо бўлиши ва шаклланиши, бола нутқий фаолиятида

<sup>1</sup> Каримов И. Баркамол авлод орзуси. - Тошкент: Шарқ, 1999. - Б. 92.

<sup>2</sup> Қаранг: Виготский Л.С. Мышление и речь. - М.-Л.: Просвещение, 1934 - 262 с; Гвоздев А.Н. Вопросы изучения детской речи. - М.: Акад. пед. наук РСФСР. 1961. - 461 с; Юрьева Н.М. Изучение семантики производного слова в детской речи // Фонетика и психология речи. - Иваново, 1984. - С. 141-149; Elliot A.G. Child language. Cambridge Univ.Press, 1988. - P. 174-175; Рулёва О.О. Номинативный аспект дитячого мовлення. Автореф. дис. ... канд. філол. наук. - Одеса, 2002. - 19 с; Цейтлин С.Н. Направления и аспекты изучения детской речи. <http://www.iling.spb.ru/grammatikon/child/contence.html> - 31.05.2004. - С. 275-279.

ижтимоий муҳитнинг аҳамияти, боланинг ижтимоийлашув жараёнида неологизмларнинг ўрни билан боғлиқ масалалар лингвистик ва социолингвистик нуқтаи назардан талқин қилинган<sup>1</sup>. Бироқ ўзбек миллатига мансуб болалар ва ўсмирлар нутқи лексикасининг социопсихолингвистик хусусиятлари юзасидан махсус тадқиқот амалга оширилмаган.

**Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Умумий тилшунослик ва компьютер лингвистикаси кафедраси илмий-тадқиқот режасига киритилган “Тилнинг ижтимоий, тарихий ва диалектал тараққиёти” муаммосининг таркибий қисми ҳисобланади. Ушбу мавзу Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Илмий-техникавий кенгашида (2-сонли баённома, 2008 йил 28 март), Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги хорижий тиллар бўйича номзодлик ва докторлик диссертация мавзуларини тасдиқловчи Мувофиқлаштирувчи кенгашда муҳокама этилиб (4-сонли баённома, 2008 йил 30 апрель) тасдиқланган.

**Тадқиқот мақсади.** Диссертациянинг бош мақсади монолингвал ва билингвал ўзбек болалар нутқи лексикасини социолингвистик ҳамда психолингвистик аспектда тадқиқ этиш орқали функционал-семантик жиҳатдан муштарак ва ўзига хос хусусиятларни аниқлашга қаратилган.

**Тадқиқот вазифалари.** Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар қўйилган:

- болалар нутқи лексикасининг ижтимоий хосланишини тадқиқ этиш;
- болаларнинг нутқий фаолиятида лисоний вазият таъсирида юзага келувчи лексик муаммоларни ўрганиш;
- болалар нутқини номинатив аспектда текшириш асосида номлашнинг психолингвистик омилларини белгилаш;
- болалар нутқига хос ясама сўзларнинг семантик структурасини таҳлил қилиш;
- болалар луғат захирасининг такомиллашувида интеллектуал-психологик ўйинларнинг аҳамиятини аниқлаш;
- болалар томонидан мавҳум сўзлар семантикасининг идрок этилишини талқин қилиш.

**Тадқиқот объекти ва предмети.** Мавзуни ёритишда 2002-2008 йилларда 9 ойдан 16 ёшгача бўлган Сирдарё, Андижон вилоятлари ва Тошкент шаҳрида яшовчи болалар, Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги “Дўмбоқча” номли 16-сон, “Жайрон” номли 118-сон, “Ширинтой” номли 464-сон, Мирзо Улуғбек туманидаги “Зайчик” номли 367-сон, “Солнышко” номли 547-сон мактабгача таълим муассасалари

---

<sup>1</sup> Қаранг: Исмаилов М.С. Грамматические способы выражения пространственных отношений при двуязычии (на материале узбекско-русского раннего двуязычия). Автореф. дис. ... канд. филол. наук. - М., 1988. - С. 3-15; Умархўжаева О. Болалар нутқининг баъзи фонетик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент, 1997. - № 5. - Б. 52-53; Сайидираҳимова Н.С. Мактабгача ёшдаги ўзбек болалар нутқининг лингвистик хусусиятлари. Филол. фан. номз. ... дис. - Тошкент, 2004. - 126 б; Искандарова Г. Болалар нутқига оид баъзи мулоҳазалар // Ўзбек филологиясига оид тадқиқотлар: Илмий-амалий анжуман материаллари. - Тошкент: ЎЗМУ, 2009. - Б. 19-23.

тарбияланувчилари, Собир Раҳимов туманидаги “Камол авлод”, “Ораста” номли 94-сон боғча-мактаб мажмуалари, форс тилига ихтисослаштирилган 119-сон, 146- 159-сон, Шайхонтохур туманидаги 1-сон, Чилонзор туманидаги 131-сон, Миробод туманидаги 214-сон умумий ўрта таълим мактаблари, Мирзо Улуғбек туманидаги ижтимоий фанларга йўналтирилган махсус мактаб ҳамда Ҳамза туманидаги Йўлдош Охунбобоев номли кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар махсус мактаб-интернати ўқувчиларининг оғзаки нутқидан аудиотасмага ёзиб олинган мисоллар, болалар томонидан лотин графикасига асосланган янги ўзбек алифбосида ёзилган далиллар, инглиз ва форс тилида қайд этилган лексик материаллар манба сифатида хизмат қилган. Тадқиқот предметини болалар нутқининг социолингвистик ва психолингвистик аспекти ташкил қилади.

**Тадқиқот методлари.** Мавзу юзасидан мисоллар тўплашда кузатиш, тажриба, сўров, суҳбат, сўзни изоҳлаш, тавсифлаш, тест, билим даражасини аниқлаш методларидан фойдаланилган. Жамланган далилларни таҳлил қилишда ижтимоий шароитни таҳлил қилиш, қиёслаш, семантик дифференциация, таснифлаш, субституция, кластер, статистик методлар қўлланилган.

#### **Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:**

1. Болалар сўз захирасининг бойиб боришида уларни қуршаб турган муҳитга хос социолингвистик омилларнинг таъсири каттадир. Онтогенез жараёнида ижтимоий белгилар асосида намоён бўлувчи лексик диалектизмларни семантик хусусиятларига кўра гуруҳларга ажратиш мумкин.

2. Бир тилнинг икки шакли ёки икки тилдан фойдаланиш жараёнида болалар томонидан ўзлаштирилган лексик бирликлар уларнинг нутқида ўзига хос тарзда намоён бўлади. Ўқувчиларнинг нутқий фаолиятида лисоний вазият билан боғлиқ ҳолда юзага келувчи муаммоли жиҳатлар кўп кузатилади.

3. Болалар нутқига оид атов бирликларининг муайян қисми психолингвистик омиллар таъсирида пайдо бўлади. Уларни функционал-семантик хусусиятларига кўра гуруҳларга таснифлаш мақсадга мувофиқдир.

4. Аксарият ҳолларда болаларга хос сўз яшаш ҳодисаси уларнинг луғат захирасида мавжуд бўлган лисоний қолиплардан ижодий фойдаланиши натижасида юз беради. Шунга кўра, болаларга хос сўз-ижод жараёни нутқий номинациянинг муҳим омили сифатида талқин қилинади.

5. Нутқий фаолиятнинг ривожланиш босқичида болалар кўплаб луғавий бирликларни ўйин орқали ўзлаштириб оладилар. Шу жиҳатдан болалар нутқий хулқи ва коммуникатив салоҳиятининг ортиб боришида лексик ўйинлар муҳим ўрин тутаяди.

6. Болалар томонидан мавҳум тушунчаларнинг идрок этилишида муайян тафовутлар кўзга ташланади. Кичик ёшдаги болалар ва ўсмирлар коммуникатив фаолиятида кузатиладиган мавҳум сўзларнинг маъно қирраларини тадқиқ этишда улар нутқида фойдаланадиган лексемаларнинг перцептив хусусиятига асосланилади.

**Ишнинг илмий янгилиги.** Ўзбек миллатига мансуб мактабгача ёшдаги болалар ва ўқувчилар нутқининг лексик-семантик хусусиятларини социолингвистик ҳамда психолингвистик нуқтаи назардан талқин қилиш орқали қуйидаги янгиликларга эришилди:

- болалар нутқида ижтимоий омиллар таъсирида юзага келувчи лексик диалектизмлар семантик хусусиятларига кўра гуруҳларга таснифланди;

- диглоссия ва сунъий билингвизмнинг бола лексиконига таъсири тадқиқ этилди;

- болалар нутқига хос сўзнинг номлаш функцияси асослари ёритилди;

- болалар нутқига оид индивидуал неологизмларнинг юзага келиш сабаблари аниқланди;

- болалар лисоний қобилиятининг шаклланиши ва ривожланишида лексик ўйинларнинг аҳамияти баён этилди;

- болалар ва ўсмирлар перцептив луғатида мавҳум лексемаларнинг ифодаланиши таҳлил қилинди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижалари тилшуносликнинг психолингвистика ва социолингвистика йўналишларида юзага келувчи илмий ишлар учун назарий манба бўла олади. Мавзуга оид далилий материаллардан болалар луғат захирасини янги лексик бирликлар билан бойитиш орқали уларнинг нутқини ривожлантириш учун амалий тавсиялар, социолингвистика ҳамда психолингвистика курслари бўйича ўқув қўлланма ва дарсликлар ёзишда фойдаланиш мумкин.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Диссертация иши натижаларидан ЎзМУ ўзбек филологияси факультети магистрларига социолингвистика, психолингвистика, тилшунослик назарияси ва методологияси курслари бўйича маъруза ҳамда амалий машғулот дарсларини олиб боришда фойдаланилмоқда.

**Ишнинг синовдан ўтиши.** Диссертация ЎзМУ Умумий тилшунослик ва компьютер лингвистикаси ҳамда Туркология ва факультетлараро ўзбек тили кафедраларининг кўшма йиғилиши (2-сонли баённома, 2008 йил 26 сентябрь) ҳамда ЎзДЖТУ ҳузуридаги К.067.44.02 рақамли Ихтисослашган кенгаш қошидаги Илмий семинарда (2-сонли баённома, 2009 йил 2 июнь) муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилган.

Тадқиқот натижалари юзасидан ЎзМУ ўзбек филологияси факультетида бўлиб ўтган ёш олимларнинг анъанавий илмий анжуманлари (2004 йил 14 апрель, 2005 йил 26 апрель, 2006 йил 19 апрель), университет ташкил этилганлигининг 90 йиллигига бағишланган “Аспирант, тадқиқотчи, магистр ва бакалавр талабалар илмий-амалий конференцияси”, “Университет таълими: кеча, бугун, эртага” мавзусидаги ёш олимлар илмий-амалий конференцияси (2008 йил 28 апрель, 2008 йил 30 сентябрь), Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида бўлиб ўтган “Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш – давр талаби” мавзусидаги 5-илмий-амалий конференция (2005 йил 5 май), Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўтказилган “Иқтидорли талабалар Республика илмий-амалий анжумани

хамда илмий ишлари танлови” (2007 йил 1-3 март), Қозоғистон Миллий университетида бўлиб ўтган “Тіл және жаһандану: бүгін мен болашағы” мавзусидаги халқаро илмий-назарий конференция (2008 йил 27-28 ноябрь)ларда маърузалар қилинган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертациянинг асосий мазмуни бўйича Республикадаги илмий журналларда (5), халқаро миқёсда (2) ва илмий тўпламларда (8) жами 15 та мақола ва 1 та маъруза тезиси чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Иш кириш, уч боб, умумий хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, диссертацияга тажриба натижалари акс этган жадваллар ва синов жараёнида фойдаланилган суратлар илова қилинди. Диссертациянинг умумий ҳажми 154 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида мавзуга доир илмий адабиётлар шарҳи келтирилган. Унда жаҳон ва ўзбек тилшунослигида онтолингвистика доирасида амалга оширилган тадқиқотларда илгари сурилган назарияларга муносабат билдирилган. Мазкур йўналиш бўйича ўз ечимини кутаётган муаммолар ёритилган.

Тадқиқотнинг 1-боби **“Бола сўз бойлигининг ортиб боришида мулоқот муҳитининг ўрни”** деб номланган. **1.1. бўлимда** “Болалар нутқи лексикасининг ижтимоий хосланиши” тадқиқ этилган.

Инсон бутун ҳаёти давомида тил бойликларини ўзлаштириш орқали нутқини такомиллаштириб боради. Онтогенез даври она тилининг луғат тизимини ўзлаштиришдаги асосий босқич сифатида эътироф этилса-да, лисоний бирликлар ҳар доим ҳам боланинг нутқида тил меъёрларига мувофиқ ҳолда ифодаланмайди. Айниқса, болалар вербал мулоқотининг шаклланишини бевосита кузатиш жараёнида уларнинг нутқида акс этган бир қатор лексик воситалар юқоридаги фикрни тасдиқлайди: **умма** сўзи аксарият болаларнинг нутқида “сув” маъносини англатади. Болалар нутқида бундай лексик бирликлар ижтимоий омиллар таъсирида пайдо бўлади. Бунда нафақат боланинг руҳий ҳолати билан боғлиқ ички омиллар, балки ташқи таъсир бирликлари<sup>1</sup> ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки юқоридаги каби луғавий бирликлар дастлаб бола билан мулоқотга киришаётган катталар томонидан фикрни тушунарли тарзда акс эттириш мақсадида истеъмолда қўлланади. Бола эса бундай нутқий ифодаларни катталардан эшитиб, қандай маъно англатишини хотирада сақлаб қолади ва мулоқот вазиятида улардан фойдаланади. Мазкур ёш давридаги болаларнинг луғат бойлиги кам бўлганлиги туфайли, юқоридаги сингари сўзлар уларнинг нутқида интеграл семага эга бўлади. Чунки болалар нутқида учрайдиган бу каби мисолларнинг аксарияти ҳудудий ва ижтимоий белгилар асосида юзага келади.

<sup>1</sup> Қаранг: Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари. Филол. фан. док. ...дис. автореф. - Тошкент, 2000. - Б. 8-9.

В.М.Жирмунский бу ҳақда шундай деб ёзади: “Ҳар қандай тилда ҳудудий диалектология мавжуд экан, унда ижтимоий диалектология ҳам бўлиши лозим”<sup>1</sup>. Шунга кўра, бу борадаги кузатув жараёнида тўпланган далилларни болалар нутқида хос лексик диалектизм сифатида талқин қилиш мақсадга мувофиқдир: карнай-сурнай овози Тошкент шаҳар шеvasида сўзлашувчи болалар нутқида *гата-гата-гу* деб аталса, Сирдарё вилоятида яшовчи болалар томонидан ушбу тушунчани ифодалашда *вота-вота* сўзи истифода этилади. Аксинча, болалар нутқида оид айрим лексик диалектизмлар семантик жиҳатдан шевалараро фарқланади: *пана* сўзи Тошкент шаҳар шеvasида мулоқотга киришувчи болалар нутқида қуш ва унинг турларини номлашга хизмат қилса, Андижон вилоятида яшовчи болалар нутқида “иссиқ” маъносини англатади. Тошкент шаҳар шеvasида сўзлашувчи болалар нутқида эса “иссиқ” тушунчаси *жиз* сўзи орқали ифодаланади.

Тошкент шаҳар шеvasида сўзлашувчи болалар нутқида хос бундай нутқий бирликларни лексик-семантик хусусиятларига кўра тўрт гуруҳга ажратиш мумкин:

I. Нарса-буюм ва шахс номини билдирувчи сўзлар: *нинни* – чақалоқ, *гол* – тўп, *хая* – кийим, *попоқ* – оёқ кийим, *аяя* – уят, *вава* – яра, *ашиша* – овқат, *нанна* – нон.

II. Иш-ҳаракатнинг номини билдирувчи сўзлар: *уппа* – кўтармоқ, *бум* – йиқилмоқ, *атата* – урмоқ, *хам* – емоқ.

III. Нарса-буюмнинг белгисини билдирувчи сўзлар: *опоқ* – яхши, тоза, *бижи* – ёмон, кир.

IV. Имитация усули асосида ҳосил бўлган сўзлар: *чиқ-чиқ* – соат, *би-би* – машина<sup>2</sup>.

Мазкур лексик воситалар болалар мулоқотига хос шева унсурлари сифатида ишлатилса ҳам, улар муайян вақт давомида гўдакнинг фаол луғатидан ўрин эгаллайди. Бола нутқий мулоқотининг ривожланиши ва тафаккурининг кенгайиши натижасида унинг лексиконида мавжуд бўлган юқоридаги каби ўзига хос ифода воситалари меъёрий нутқ бирликлари билан алмашади. Бироқ боланинг ҳаётий тажрибаси етарли бўлмаганлиги учун у айрим сўзларнинг маъносини тез ўзлаштира олмайди. Бу жараён узок давом этиб, бутун мактабгача ёш даврини қамраб олади.

**1.2. бўлимда** “Боланинг сўз қўллаш жараёнида диглоссия ҳодисасининг намоён бўлиши” ҳақида сўз боради. Тил луғат тизимининг ўзлаштирилиш жараёнида мулоқот муҳити<sup>3</sup>га боғлиқ ҳолда юзага келувчи мураккабликлар ўқувчиларнинг ёзма нутқида кўп кузатилади. Улар нутқида учрайдиган аксарият лексик муаммолар диглоссия<sup>4</sup> ҳодисаси асосида намоён бўлади. Бунга асосан муайян шева доирасида кузатиладиган лисоний вариативлик<sup>5</sup>

<sup>1</sup> Жирмунский В.М. Вопросы социальной лингвистики. - Л.: Наука, 1969. - С. 23.

<sup>2</sup> 1.1. бўлимда таҳлил қилинган лексик диалектизмлар 2004-2008 йилларда Тошкент шаҳрида яшовчи Н.Арипова, А.Абдуҳалилов, Сирдарё вилоятида яшовчи Ф.Неъматжонова, Г.Аҳмедова, Андижон вилоятида яшовчи Ф.Раҳимова, А.Ўрмоновлар нутқи устида олиб борилган бевосита кузатувларга кўра қайд этилган.

<sup>3</sup> Швейцер А.Д., Никольский Л.Б. Введение в социалингвистику. - М.: Высшая школа, 1978. - С. 91-93.

<sup>4</sup> Қаранг: Беликов В.И., Крысин Л.П. Социалингвистика. - М.: РГГУ, 2001. - С. 55-59.

<sup>5</sup> Кўрсатилган манба. - С. 36-39.



сабаб бўлади. Мазкур ҳодиса маҳаллий шевада сўз қандай талаффуз қилинса, боланинг ёзма нутқида ҳам шу тарзда акс этиши натижасида юз беради. Бунда у саводхонлик билан боғлиқ социолингвистик муаммоларга дуч келади.

**1.3. бўлимда** “Сунъий билингвизм ҳодисасининг бола лексиконига таъсири” билан боғлиқ масалалар талқин қилинган. Глобаллашув жараёнида қатор ижтимоий талаблар асосида юзага келаётган билингвизм ҳодисаси социолингвистика ва психолингвистиканинг жиддий эътибор қаратилиши лозим бўлган масалаларидан биридир.

Назарий манбаларда қайд этилишича, юзага келиш шароитларига кўра билингвизмнинг табиий ва сунъий кўринишлари ўзаро фарқланади. Табиий билингвизм асосан боланинг нутқи шаклланаётган даврда пайдо бўлади ва турли тилли ижтимоий муҳит таъсирида ривожланади. Сунъий билингвизм эса ўқитиш натижасида вужудга келади. Бунда боланинг тафаккур тарзи учун она тилига оид материаллар асос сифатида хизмат қилади<sup>1</sup>. Ўзбекистонда болалар билингвизмининг мазкур типи кенг тарқалган бўлиб, бу вазият кўп жиҳатдан лексик-семантик интерференция ва кодлар аралашуви<sup>2</sup> билан боғлиқ муаммоларни талқин қилишда катта аҳамият касб этади.

Биз сунъий билингвизм шароитида хорижий тил лексикасининг ўзлаштирилиш жараёни билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этиш мақсадида 2005 йил 15 майда 12-13 ёшли ўзбек болаларнинг форс тилидаги нутқи устида тажриба ўтказдик. Синов жараёнида Тошкент шаҳридаги форс тилига ихтисослаштирилган 119-сон умумий ўрта таълим мактабининг ўн икки нафар 6-синф ўқувчиси иштирок этди. Тажриба икки босқичда, ёзма равишда амалга оширилди<sup>3</sup>.

Биринчи босқичда нуқталар ўрнига сўз қўйиб, давом эттирилиши керак бўлган “Qish faslida havo sovuq bo‘ladi va tez-tez ... yog‘adi” нутқий қурилмасидан материал сифатида фойдаланилди<sup>4</sup>. Ушбу нутқий қурилма синф доскасига ёзиб қўйилди ва синалувчиларга жумлани тўлдириб, форс тилига таржима қилиш вазифаси топширилди. Бунда лингводидактик усулга асосланилди. Бу босқичда эришилган натижаларга кўра, тўққиз нафар ўқувчи “Qish faslida havo sovuq bo‘ladi va tez-tez ... yog‘adi ( درفصل زمستان هوا سرد ) тарзида ифодаланган жумладаги нуқталар ўрнига “қор” (“فرد”) сўзини қўйиб, гапни тўғри таржима қилган. Бироқ улардан айримларининг ёзма нутқида орфографик хатолар кузатилади: Н.Усмонова ва Н.Фахриддинова دوز - دوز (тез-тез) сўзини ёзишда чўзиқ و (y) унлисини тушириб қолдирган. Тўрт нафар синалувчи нуқталар ўрнига “қор” лексемасини тўғри қўйган бўлишига қарамай, жумлани форс тилига таржима

<sup>1</sup> Қаранг: Кашкуревич Л.Г. Приёмы и методы предупреждения интерференции родного языка в искусственном билингвизме // Принципы и методы социолингвистических исследований. - М.: Наука, 1989. - С. 153-171.

<sup>2</sup> Қаранг: Беликов В.И., Крысин Л.П. Кўрсатилган манба, - С. 31.

<sup>3</sup> Топшириқ матнидаги ўзбек тилига оид лисоний бирликлар тажриба иштирокчиларига тушунарли бўлиши учун латин ёзувига асосланган янги алифбода берилган.

<sup>4</sup> Тажриба материаллини тайёрлашда фойдаланилган манба: Куранбеков А. ва б. Форс тилидан ўқув дастури (тилга ихтисослашган умумтаълим мактабларининг I-IX синфлари учун). - Тошкент, 2002. -19 б.

килишда бир оз қийналган: К. Умарова юқоридаги жумла мазмунини форс тилида изоҳлашга ҳаракат қилган бўлса-да, сўз захирасининг камлиги сабабли برف مييارد (қор ёғади) нутқий қурилмасини باران ميشود (ёмғир бўлади) тарзида ифодалаган.

Иккинчи босқичда тажриба иштирокчиларининг саводхонлик даражасини аниқлаш мақсадида уларга тест топшириғи берилди. Бу босқичда тарқатма материал сифатида тақдим этилган саволлар барча ўқувчилар учун бир хилдир:

1. Qaysi qatordagi so‘zlar to‘g‘ri yozilgan?

- a) بوزرگ، كيتاب، دبرستان
- b) مشحور، دانش آموز، لباس
- c) كوچك، آموزگار، ميخوانم

2. Zid ma’noli so‘zlar berilgan qatorni belgilang.

- a) زيبا - قشنگ
- b) سرد - گرم
- c) <sup>1</sup> هفت - هشت

Иккинчи босқичда синалувчиларга билим даражасини аниқлаш усули<sup>2</sup> асосида тақдим этилган 1-топшириқ имло қоидаларига мувофиқ тарзда ифодаланган сўзлар қаторини белгилашга йўналтирилган бўлиб, мазкур саволга берилган тўғри жавоблар сони 6 тани ташкил этади: И.Эркинова “с) ”دبرستان، كيتاب، بوزرگ“ (кичик, ўқитувчи, ўқийман) тарзидаги жавоб вариантини белгилаш орқали вазифани тўғри бажарган. Олти нафар ўқувчи эса тўғри жавобни аниқлай олмаган: Н.Усмонова топшириқни бажариш жараёнида орфографик жиҳатдан нотўғри ёзилган “ a) بوزرگ، كيتاب، دبرستان” (мактаб, китоб, катта) сўзлари акс этган жавоб вариантини белгилаган. Юқоридаги каби жавоблардан баъзи ўқувчиларнинг форс тилида чўзиқ ёки қисқа унли товушлар иштирок этган сўзлар қандай ёзилишини фарқлай олмаслиги маълум бўлди.

Демак, бундай ҳолатларнинг юзага келиши тажриба иштирокчиларининг форс тилига оид луғавий бирликлар имлоси бўйича билим савияси билан боғлиқ. Шу жиҳатдан амалий социолингвистиканинг орфографик қоидалар билан боғлиқ муаммоли масалаларни ҳал этиш борасидаги муҳим вазифаларидан бири имло луғатларини тузишдир. Тажриба иштирокчиларининг нутқида кузатилган орфографик ва лексик-грамматик хатоларнинг юзага келиш сабабини ихтисослаштирилган мактаб ўқувчилари учун форс тилидан дарсликларнинг мавжуд эмаслиги билан ҳам изоҳлаш мумкин.

<sup>1</sup> Куранбеков А. ва б. Кўрсатилган манба. - 19 б.

<sup>2</sup> Қаранг: Хашимов Р.И. О некоторых методах и приемах билингвических исследований // Принципы и методы социолингвистических исследований. - М.: Наука, 1989. - С. 90.

Иккинчи топшириқ ўқувчиларнинг хорижий тилга оид билимларини синовдан ўтказиш орқали улар нутқида юзага келувчи лексик муаммоларни аниқлашга қаратилган бўлиб, бунда етти нафар ўқувчи қониқарли натижа кўрсатган: Т.Зиятова ўзаро антоним бўлган сўзларни аниқлаш бўйича берилган жавоб вариантларидан “b) درس - مرگ” (совуқ- иссиқ) сўзлари келтирилган қаторни танлаган. Ушбу вазифани бажаришда беш нафар ўқувчи хатога йўл қўйган: С.Соипова ўзаро пароним бўлган “c) تشھ - تفھ” (етти-саккиз) сўзлари қайд этилган қаторни кўрсатган бўлса, Д.Исмоилова “a) گنشقه - ابيز” (чиройли-гўзал) сўзлари берилган лексик синонимлар қаторини белгиллаган. Айрим синалувчиларнинг жавобларида сўз семантикаси билан боғлиқ юқоридаги сингари ҳолатларнинг юзага келиши улар томонидан нафақат иккинчи тил, балки она тили лексик қатламига хос қонуниятларнинг етарли даражада ўзлаштирилмаганлигидан далолат беради.

Сунъий билингвизмнинг шаклланиш жараёнида юзага келувчи бундай ҳолатларни шу тарзда изоҳлаш мумкинки, бола иккинчи тилни ўзлаштиришда хорижий тил луғат таркибига оид лексик бирликларни фақат дарс вақтларида қўллайди. Оила муҳитида, умуман, дарсдан ташқари вақтларда эса у асосан она тилидаги сўзлашув нутқидан фойдаланади. Чунки Ўзбекистонда бир таркибли лисоний вазият мавжуд бўлиб, бу мувозанатлашмаган эндоглоссия<sup>1</sup> ҳолатини акс эттиради.

Бу борадаги тажриба натижаларини умумлаштириб шуни айтиш жоизки, болаларнинг нафақат она тили лексик таркиби, балки хорижий тилдаги сўз бойлиги ва билим савиясини оширишга ҳам фан соҳасида ўз ечимини кутаётган саводхонлик билан боғлиқ социолингвистик муаммоларни ҳал этиш орқали эришиш мумкин. Чунки болалик даврида ўзлаштирилган билимлар ўсиб келаётган авлоднинг мавжуд лисоний имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда буюк маънавий меросимизни тадқиқ қилиш, замонавий фан-техника ютуқларидан баҳраманд бўлиб, уларни амалда татбиқ этиш ва халқаро муносабатларни янада ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўша оладиган баркамол шахс сифатида шаклланишига асос бўлади.

Диссертациянинг 2-боби “**Болалар нутқи лексикасининг функционал-семантик хусусиятлари**” деб номланган. **2.1.** бўлимда “Болалар нутқининг номинатив аспекти”га этибор қаратилган. Болалар нутқида кузатиладиган номинатив бирликларни функционал-семантик хусусиятларига кўра қуйидаги гуруҳларга таснифлаш мақсадга мувофиқдир:

I. Метафорик номинация. Бунда воқелик, нарса-ҳодиса ўхшашлик асосида номланади: С.Серкабоев (4 ёш) икки электр ўтказгичи ёрдамида юрадиган транспорт тури - троллейбусни *шоҳли автобус* деб тушунтиради. Бунда бола томонидан икки электр ўтказгич шоҳга ўхшатилади. Болага бу транспорт воситасининг номи маълум бўлмаганлиги учун уни ўхшатиш асосида шундай номлайди.

II. Метонимик номинация. Бунда воқелик, нарса-ҳодиса алоқадорлик асосида номланади. 10 ойдан 3 ёшгача бўлган болалар нутқида имитация

<sup>1</sup> Қаранг: Лингвистический энциклопедический словарь. М.: Советская энциклопедия, 1990. - С. 481.

усули орқали юзага чиқадиган *алйў* (телефон), *би-бин* ёки *гин* (машина), *пақ* (тўппонча), *қу-қу* (товук), *миёв* (мушук), *мў* (сигир), *ба* (қўй) сингари бир қатор мисоллар шулар жумласидандир. Боланинг талаффузида бу усул асосида намоён бўлувчи нарса-ходиса ва ҳайвонларнинг товушлари унинг нутқида номинатив восита вазифасини бажарувчи луғавий бирлик сифатида мустақил маъно касб этади.

III. Субститутив номинация. Бунда бола муайян хусусиятларни намоён этувчи нарса ва буюмларни бирон-бир гуруҳга тегишли, деб тасаввур қилади ва сўзнинг маъносини кенгайтириш асосида уларнинг номини нотўғри ифодалайди: А.Туйғунов (7 ёш) ўқитувчи томонидан уйга берилган топшириқни бажариш жараёнида онасига *унни ёзмадим*, – дейди. Ушбу фикрнинг мазмуни мактабда ўқувчиларга қандай вазифа берилганлигини аниқлаш орқали англашилди. Топшириқ алифбе китобида қайд этилган таркибида “н” товуши мавжуд луғавий бирликлар воситасида ифодаланувчи нарса-буюмларнинг расмини чизишдан иборат бўлиб, бунда бола “ёзмок” феълининг бўлишсиз шакли ёрдамида ун маҳсулотини чиза олмаганлигини тушунтиришга ҳаракат қилган.

IV. Ассоциатив номинация. Бунда воқелик, нарса ёки ходиса тасаввурлар ассоциацияси асосида номланади: А.Султонова (4 ёш) нутқида корейс миллатига мансуб киши *ўриси қозоги* тарзида ифодаланади. Бунда бола қозоқ миллатига мансуб кишилар ҳақидаги тасаввурларига таянган ҳолда ташқи қиёфасига кўра уларга ўхшаш, аммо нутқий хусусиятига кўра фарқли кишиларни кўриб, шундай хулосага келган<sup>1</sup>.

Албатта, кичик ёшдаги болаларда кузатиладиган бундай хусусиятларга нутқий нуқсон сифатида қараш тўғри бўлмайди. Чунки ижтимоийлашув жараёнида боланинг нутқи сифат жиҳатдан такомиллашиб, анъанавий тил меъёрларига мослашиб боради. Болаларга хос нутқий номинацияга таъсир этувчи экстралингвистик омилларни аниқлаш орқали уларнинг фаол луғатини лексика мезонига мувофиқ тарзда такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш онтолингвистиканинг долзарб вазифаларидан биридир.

**2.2. бўлим** “Болалар нутқига доир ясама сўзлар семантикасининг психоллингвистик талқини”га бағишланган. Болалар томонидан ўзлаштирилган янги ясама сўзлар ҳисобига уларнинг луғат захираси миқдор жиҳатдан ортиб боради. Таниш сўзларнинг янги маънолари ҳақида билим ва малакага эга бўлиш болалар фаол луғатининг сифат жиҳатдан такомиллашувига сабаб бўлади. Болалар нутқига хос ясама сўзларнинг семантик структураси улар тажрибасида юз бераётган ўзгаришлар ва буюмлар оламини ўзлаштириш даражасини акс эттиради.

Биз вербал мулоқотнинг ривожланиш босқичида ясама сўзларнинг ўзлаштирилиш жараёни билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш мақсадида 2007 йил 18 мартда 4 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар нутқи устида тажриба

---

<sup>1</sup> 2.1. бўлимда таҳлил қилинган материаллар 2003-2008 йилларда Тошкент шаҳридаги 16-367-сон мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ҳамда 214-сон умумий ўрта таълим мактабининг 1-синф ўқувчиси нутқи устида олиб борилган бевосита кузатувларга кўра қайд этилган.

Ўтказдик. Синов жараёнида 118-сон мактабгача таълим муассасасининг олти нафар тарбияланувчиси иштирок этди. Дастлаб синалувчиларга бир қатор ясама сўзларнинг изоҳи келтирилди. Ҳар бир изоҳдан сўнг болаларга унинг маъносини бир сўз орқали ифодалаш вазифаси топширилди. Тажириба иштирокчиларининг нуткида ўзидан олдин айтилган жавоблар айнан такрорланмаслиги учун синов жараёни индивидуал тарзда амалга оширилди. Оғзаки нутқ орқали болаларга сифатдош ўрамли бирикма тарзида тақдим этилган айрим материаллар ҳамда тажириба натижаларини кластер усули ёрдамида қуйидагича акс эттириш мумкин:



Юқоридагилардан кўринадикки, тажириба иштирокчиларининг аксарияти изоҳи келтирилган нутқий қурилмаларни берилган топшириққа мувофиқ тарзда ифодалашга ҳаракат қилган. Бу борадаги изланишлар давомида тўпланган мисоллар орасида ноузуал ясама сўзлар ҳам мавжуд бўлиб, “қўшиқ айтадиган одам” тушунчасини акс эттириш мақсадида қўлланган **ашула этадиганчи** тарзидаги жавоб ушбу фикрни исботлайди. Синалувчилар томонидан мазкур бирикма маъносининг акс эттирилиш жараёнида кузатилган нутқий бирликларнинг муайян қисми ассоциация натижасида юзага келган бўлиб, тажириба жараёнида **Шоҳруҳ репер** тарзида акс этган жавоб шулар жумласидандир. Бунда бола “қўшиқ айтадиган одам” тарзида берилган изоҳни эшитиши билан мусиқанинг реп усулида ижод қилувчи Шоҳруҳ исмли хонандани кўз олдига келтирган. Яъни у “қўшиқчи” тарзида ифодаланиши керак бўлган тушунчани талқин қилишда мияда ҳосил бўлган тасаввурларга асосланган.

Бу борадаги муаммоли масалаларни тажирибалар орқали ўрганишда сўз яшаш жараёнлари психоллингвистик омилларнинг ҳам натижаси эканлиги исботланган. Бу жиҳатдан болаларга хос ясама сўз воқеликни номлашга хизмат қилувчи фикрлаш ва нутқий фаолият маҳсулидир. Шу хусусиятига кўра болалар нутқи лексик-семантик ҳамда сўз ясаши жиҳатдан ўзига

хосликка эга. Болалар нутқидаги бу ўзига хослик тилнинг барча сатҳларида намоён бўлади. Уларни ҳар бир сатҳ доирасида тадқиқ этиш тилнинг бир бутун тизим эканлиги ва бу тизим муайян қурилмалар асосида шаклланганлигини янада ойдинлаштиришга имкон беради.

**2.3. бўлимда** “Болалар нутқида оид индивидуал неологизмларнинг юзага келиш сабаблари” ёритилган. Боланинг мулоқотга киришиш жараёнида кузатиладиган аксарият нутқий ифодалар сўз-ижод асосида юзага келади. Н.С.Сайидираҳимова томонидан амалга оширилган тадқиқотда таъкидланишича, сўз-ижод болаларнинг луғат бойлиги ўсганда ва улар нутқидаги сўзлар қиёсланиш имкониятига эга бўлган вақтдан пайдо бўла бошлайди<sup>1</sup>.

Боланинг коммуникатив фаолиятида сўз-ижод асосида намоён бўлувчи нутқ маҳсулининг аксариятини индивидуал неологизмлар ташкил қилади. Кузатувлар давомида болалар томонидан табиат ҳодисаларининг изоҳланишида ўзига хос жиҳатлар кўзга ташланади. Болаларнинг сўз қўллаш жараёнида кузатиладиган бундай ҳолатлар нутқий хатолик сифатида баҳоланади. Онтогенез жараёнида юзага келувчи нутқий хатоликларни тадқиқ этишда мисоллар болани қуршаб турган катталар талаффузига қиёсланган ҳолда таҳлил қилиниши лозим. Ушбу фикрни С.Асқаров (4 ёш 2 ой) нутқида кузатилган бир мисол асосида изоҳлаш мумкин: **Кўчада қор миқлим**. Бола ушбу нутқий вазиятда Тошкент шаҳар шеvasида сўзлашувчи ўқувчилар нутқида қўлланадиган “кўп” маъносини ифодаловчи **лиққим** сўзини фонетик ўзгаришга учраган ҳолда талаффуз қилган. Ёшларнинг коммуникатив фаолиятида социолект<sup>2</sup> элементи сифатида намоён бўлувчи мазкур нутқий бирликни семантик жиҳатдан таҳлил қилиш натижасида кўчада қор кўп эканлиги англашилади.

Кўпинча бу ҳолат бола томонидан хорижий тилдан ўзлашган сўзларнинг ўзига хос тарзда талаффуз қилиниши билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Чунки ўзлашма сўзни хотирада сақлаб қолиш бола учун мураккаб жараён ҳисобланади: С.Серкабоев (4 ёш) маршруткани **рамаишутка** деб атайди. Болалар нутқида индивидуал неологизмларнинг пайдо бўлиши асосан 5-6 ёшгача бўлган даврга хос хусусият ҳисобланади. Чунки улар мазкур ёш давридан бошлаб, катталар нутқида оид лисоний қолипларни ўзлаштириш асосида она тилига хос сўз шаклларида ўз ўрнида тўғри фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Айрим ҳолатларда ўқувчилар нутқида ҳам катталар каби сўзга қўшимча маъно бериб, ундаги эмоционал - экспрессивликни таъминлаш мақсадида контаминация<sup>3</sup> усули орқали ҳосил қилинган лексик окказионализмларни учратиш мумкин: Н.Султонова (14 ёш)нинг нутқида “кечирим сўраш” маъносида қўлланган **узуризатр** сўзи ушбу фикрга мисол бўла олади<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Сайидираҳимова Н.С. Кўрсатилган диссертация. - Б. 63.

<sup>2</sup> Қаранг: Расулов Қ. Социолект ва нутқ // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент, 2007. - № 4. - Б. 61-64.

<sup>3</sup> Қаранг: Большой энциклопедический словарь. М.: Большая Российская энциклопедия, 2004. - С. 565.

<sup>4</sup> 2.3. бўлимда таҳлил қилинган материаллар 2003-2008 йилларда Тошкент шаҳридаги 367-464-сон мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ҳамда 131-сон умумий ўрта таълим мактабининг 8-синф ўқувчиси нутқи устида олиб борилган бевосита кузатувларга кўра қайд этилган.

Юқоридагилардан англашиладики, индивидуал неологизмларнинг юзага келишини таъминлашга хизмат қиладиган болаларга хос сўз яшаш ҳодисаси уларнинг луғат захирасида мавжуд бўлган нутқ стереотипларидан ижодий фойдаланиши натижасида юз беради. Шунга кўра, болаларга хос сўз-ижод жараёни нутқий номинациянинг муҳим омили сифатида талқин қилиниши мақсадга мувофиқдир. Чунки болалар нутқи лексикасининг индивидуал-психологик хусусиятларини тадқиқ этиш тил тараққиётига хос баъзи лингвистик қонуниятлар табиатини ёритишда муҳим аҳамият касб этади.

Диссертациянинг 3-боби “**Боланинг перцептив луғати**” деб номланган.

**3.1. бўлимда** “Лексик ўйин жараёнида боланинг нутқий фаолияти”да кузатиладиган специфик хусусиятлар таҳлил қилинган. Ўйин фаолиятида кузатиладиган мулоқот жараёнида боланинг шахсий фазилатлари ҳамда характер-хусусиятлари унинг нутқида боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Боланинг перцептив луғати қай даражада бой бўлса, фикр алмашиш жараёни ҳам шу даражада қулай кечади. Акс ҳолда, у аутизм<sup>1</sup> ҳодисасига дуч келиши мумкин. Болани мулоқотга жалб этишда лексик ўйин<sup>2</sup>ларнинг аҳамияти каттадир. Улар интеллектуал-психологик ўйин тури сифатида ўқувчилар томонидан тил луғат тизимининг ўзлаштирилиш жараёни билан боғлиқ масалаларни ёритишда муҳим ўрин тутди.

Болалар нутқида оид психолингвистик хусусиятлар 2008 йил 4 апрелда 7 ёшдан 11 ёшгача бўлган тўққиз нафар ўқувчи ўртасида ўтказилган “Мен нимани ўйладим?” номли топишмоқ тарзидаги лексик ўйин жараёнида яққол намоён бўлди. Тажрибада Тошкент шаҳридаги ижтимоий фанларга йўналтирилган махсус мактаб, “Камол авлод” боғча-мактаб мажмуаси, 119-159-214-сон умумий ўрта таълим мактабларининг 1-4-синф ўқувчилари иштирок этди.

Дастлаб болаларга ўйин иштирокчиларидан бири бирор нарсани ўйлаб, унинг номини эмас, балки таърифини оғзаки нутқ орқали адабий тилда ифодалаш, бошқа иштирокчилар эса таърифланган сўзни топиб, ёзма равишда қайд этиб боришлари кераклиги айтилди. Шундан сўнг жавоблар айнан такрорланмаслиги учун ҳар бир синалувчига ўзи таърифламоқчи бўлган сўзни бошқа иштирокчиларга кўрсатмаган ҳолда ёзиб бориш вазифаси топширилди. Таърифлар аудиотасмага ёзиб олинди. Мазкур лексик ўйиннинг асосий мақсади болалар томонидан муайян тушунчани ифодаловчи лексемага берилган таъриф орқали уларнинг нутқни идрок этиш даражасини аниқлашдан иборат бўлиб, ушбу тажриба усули ўқувчилар нофаол луғатининг фаоллашувини таъминлайди.

Ўйин шартига кўра, барча ўқувчилар томонидан берилган таърифлар уларнинг оғзаки нутқида адабий тил меъёрларига мувофиқ ҳолда ифодаланган. Интерактив ўйин жараёнида уч нафар ўқувчи бошқа иштирокчиларга нисбатан сўз бойлигининг кўплиги, фикрлаш доирасининг кенглиги ва дарсликларда қайд этилган маълумотларни талаб даражасида

<sup>1</sup> Қаранг: Николаенко Н. Н., Вершинина Е. А. Понимание метафор и идиом у здоровых детей и больных аутизмом. <http://www.iling.spb.ru/grammatikon/child/contence.html> - 31.05.2004. - С. 185-187.

<sup>2</sup> Asqarova M. va b. Kichik yoshdagi bolalar nutqini o'zlashtirish. - Toshkent: O'zbekiston, 2000. - B. 33.

ўзлаштирганлиги билан ажралиб турди: Х.Эркинова *suв* сўзини ёзиб, куйидагича таърифлади: *у ҳаёт манбаи, усиз одамлар яшай олмайди*.

Юқорида таърифланган сўз барча ўқувчилар томонидан қийинчиликсиз тўғри аниқланган. Бу эса боланинг лисоний имкониятлардан ўринли фойдаланган ҳолда ўйин қатнашчиларига ўз фикрларини аниқ тушунтира олганлигидан далолат беради.

Тажриба давомида айрим ўқувчилар томонидан муайян тушунчага таъриф бериш ўрнига топишмоқлардан фойдаланиш ҳолатлари ҳам кузатилди. З.Юлвасхўжаеванинг нутқида *sabzi* тушунчасини акс эттириш мақсадида қўлланган *ер тагида олтин қозик* топишмоғи бунга мисол бўла олади. Ушбу далил орқали боланинг топширикни бажаришда осон йўлни танлашга интилганлиги англашилди. Бу ҳолатда у барча болаларга халқ орасида кенг тарқалган топишмоқ остида яширинган сўзни топиш учун қулай вазиятни юзага келтирган.

Интеллектуал-психологик ўйин иштирокчилари орасида мактабда рус тилида таълим олувчи ўзбек миллатига мансуб болалар ҳам мавжуд бўлиб, улар она тилидаги мулоқот жараёнида рус тилига оид лексик бирликларни аралаштирмасликка ҳаракат қилдилар: А.Анваровнинг нутқида *у одамларнинг узогини яқин қилади* тарзида акс этган таъриф аксарият ўқувчилар томонидан *mashina* сўзининг изоҳи сифатида тўғри талқин қилинган бўлишига қарамай, қайд этилган жавоблар орасида *durbin*, *ko 'zoynak*, *kamera* ва *telefon* сўзлари ҳам ўз ифодасини топган.

Кўринадики, боланинг фикри нутқ орқали тўғри ифодаланган бўлса-да, ўзбек тилидаги сўз бойлигининг камлиги туфайли келтирилган таърифнинг қисқа ва нисбатан ноаниқлиги ўқувчиларга вазифани бажаришда маълум даражада қийинчилик туғдирган. Шу сабабли sinalувчилардан олинган жавоб вариантларининг аксарияти таърифда назарда тутилган сўздан фарқ қилади. Ўйин иштирокчилари томонидан у ёки бу тушунчанинг таърифланиш жараёнида уларнинг нутқида ёш даври билан боғлиқ психологик хусусиятларга кўра айрим тафовутлар мавжудлиги аниқланди.

3-4-синф ўқувчилари мулоҳаза юритиш кўламининг қамрови, таърифнинг далилларга бойлиги бўйича 1-2-синф ўқувчиларидан устунлигини кўрсатди. Бунинг сабабини улар турмуш тажрибасининг кенглиги ва ақлий салоҳиятининг нисбатан юқори эканлиги билан изоҳлаш мумкин. Болалар нутқида юқоридаги сингари хусусиятларнинг акс этиши уларнинг перцептив луғати билан боғлиқ бўлиб, мазкур ҳолат бир томондан бошланғич синф ўқувчиларида она тилидаги нутқни идрок этиш малакасининг шаклланишига доир масалаларга жиддий эътибор қаратишни талаб этади.

Лексик ўйин давомида ўқувчилар нутқида кузатилган умумий хусусият шундаки, болалар томонидан тушунчалар моҳиятининг ёритилишида айтилган фикрларни қайта такрорламаган ҳолда уларга нисбатан турлича ёндашилган. Sinalувчилар нутқида ифодаланган таърифлар мазмундорлиги мактабда уларнинг табиатшунослик фанига оид билимларни алоҳида қизиқиш билан ўзлаштирганликларини кўрсатади. Шу жиҳатдан сўз



ўйинлари болалар томонидан она тилидаги нутқнинг ўзлаштирилиш жараёни билан боғлиқ социопсихоллингвистик хусусиятларни аниқлаш ва уларнинг перцептив луғатини фаоллаштиришдаги етакчи усуллардан бири саналади. Бу эса ўз навбатида бола сўз захирасининг бойиб бориши, унда лисоний қобилият ва нутқий хулқнинг шаклланиши, қолаверса, мулоқот кўламининг кенгайишига ёрдам беради.

**3.2. бўлимда** “Мактабгача ёшдаги болалар луғат захирасининг такомиллашувида диалогик нутқнинг аҳамияти” аниқланган. Бола перцептив луғатининг бойиб боришида унинг катталар билан мулоқотга киришиш жараёнидаги савол-жавоблари муҳим аҳамиятга эгадир. Сухбат жараёнида савол бола учун ўзи билган сўзларнинг лексик маъноларига аниқлик киритиш воситаси ва янги маъноларни кашф қилиш усули сифатида хизмат қилади. Ҳ.Эркинов (4 ёш 8 ой) опасига савол беради:

– *Паишахона паишалани уйими?*

Бундай ҳолатларда катталар учун одатий бўлиб қолган савол-жавоб жараёнида ишлатиладиган айрим сўзлар боланинг тафаккурида янги маъно касб этиб, улардан жавобни тўғри ва аниқ ифодалаш устида жиддий ўйлашни талаб қилади. Чунки бола бу даврда катталар мулоқотида қўлланадиган коннотатив семага эга бўлган луғавий бирликларни нутқий меъёр сифатида қабул қилиш салоҳиятига эга бўлмайди.

Боладан мавҳум маънодаги луғавий бирликларнинг изоҳи сўралганида, у берилган саволга асосан сезгилар ёрдамида идрок этилган тушунчаларга таянган ҳолда жавоб қайтаришга ҳаракат қилади. Биз Ҳ.Эркинова (6 ёш) билан телекўрсатувлар ҳақида сухбатлашиш жараёнида шундай ҳолатга дуч келдик:

– “Реклама” деганда нимани тушунасан?

– *Реклама - кинола бўвотганида ўртасидан узиб қўядиган нарсала-де!*

Тилни ўзлаштириш ва ундан фойдаланиш жараёнида бола томонидан бир нутқий вазиятда муайян маънода қўлланган лексема бошқа бир нутқий вазиятда ҳам айнан шу маънони ифодалашга хизмат қилади. Болада мантиқий тафаккур тўлиқ шаклланмаган бўлса ҳам, у нарса-буюм ва воқеа-ҳодисаларнинг моҳияти, ички хусусиятлари, юзага келиш сабабларини билишга интилади. Мактабгача ёшдаги болаларга хос бундай интеллектуал қизиқиш уларда тафаккур ва нутқнинг жадал ривожланишига ёрдам беради. Шу жиҳатдан саволлар билан боғлиқ фаолият бола учун зарур ва мажбурий жараён бўлиб, у гўдакнинг руҳий ҳолати ва унинг муваффақиятли тил тараққиёти кўрсаткичидир.

**3.3. бўлимда** “Ўқувчиларнинг коммуникатив фаолиятида мавҳум лексемаларнинг ифодаланиши” хусусида фикр юритилган. Болаларнинг коммуникатив фаолиятида мавҳум лексемаларнинг ифодаланиши билан боғлиқ масалаларни ўрганиш ҳозирги замон коммуникатив тилшунослигининг долзарб муаммоларидан биридир. Бошланғич синф ўқувчиларининг коммуникатив фаолиятини ўрганиш диалогик мулоқот моделини қуриш ва болалар нутқига оид коммуникатив фаолият методикасини баён қилишда катта аҳамият касб этади. Бошланғич синф

Ўқувчиларининг коммуникатив фаолиятида 14 ёшдан 16 ёшгача бўлган юқори синф ўқувчилари томонидан стандарт тил меъёрларини бузиб, сўзни кўчма маънода қўллаган ҳолда нарса ва ҳодисаларни акс эттириш учун кундалик ҳаётда ишлатиладиган социолект элементлари кўп учрайди. Ўқувчилар мулоқотида кузатиладиган бундай луғавий воситаларнинг баъзиларини болалар нутқида хос дисфемизм<sup>1</sup> сифатида талқин қилиш мақсадга мувофиқдир. Бунга *томи кетган* (мяси ишламайдиган), *ҳарип* (уқувсиз, фаросатсиз) сингари нутқий бирликларни мисол қилиб келтириш мумкин. Бироқ бошланғич синф ўқувчилари мазкур сўзларнинг маъноларини юқори синф ўқувчиларига нисбатан тор доирада тушунадилар. Айниқса, бу ҳолат ўзбек тили луғат таркибига кирмайдиган, аммо хорижий тиллардан ўзлашиб, ўсмирларнинг сўзлашув нутқида кенг қўлланадиган лексик бирликлар семантикасининг 6 ёшдан 11 ёшгача бўлган болалар томонидан талқин қилиниш жараёнида аниқ кўзга ташланади. Масалан, ўзбек миллатига мансуб бошланғич синф ўқувчиларининг нутқида фаол қўлланадиган инглиз тилига оид *ес* сўзи хурсандлик кайфиятини ифодалайди. Инглиз тилини билмайдиган кичик ёшдаги болалардан ушбу лексеманинг қандай коммуникатив вазиятларда ишлатилиши ҳақида сўралганида, улар сўзнинг маъносини аниқ тушунтириб бера олмайдилар.

Кўп ҳолларда бошланғич синф ўқувчилари ҳам кундалик мулоқот жараёнида ўсмирлар сингари геминация ҳодисаси асосида юзага келган “куённинг расмини чизмоқ” тарзида ифодаланувчи иборага муқобил бўлган *қуйён* (қочиб кетмоқ), *додда* (зўр) каби сўзлардан кенг фойдаланадилар<sup>2</sup>. Мазкур лексик бирликлар юқори синф ўқувчилари томонидан сўзнинг маъноси ёки фикрнинг мазмунини кучайтириш мақсадида фонетик ўзгаришга учраган ҳолда талаффуз қилинади. Бироқ бошланғич синф ўқувчилари учун товуш ўзгаришининг сўз маъносига таъсири аҳамиятсиз бўлиб, уларнинг нутқида бундай лексик воситалар асосан ёш жиҳатдан каттароқ болаларга тақлид қилиш мақсадида ишлатилади.

Юқори синф ўқувчиларининг лисоний онгида мавжуд лексема маъноларини тадқиқ этиш бугунги кунда болалар тафаккур тарзига хос ўзгаришлар таъсирида улар нутқининг интенсив равишда ривожланиб бораётганлигини аниқлашга имкон беради. Чунки ўсмирлар лексиконида ўзбек тилининг изоҳли луғатида қайд этилмаган кўплаб янги маънолар ҳам ўз аксини топади. Ўсмирлар нутқида хос бу хусусият 2008 йил 3 сентябрда ўн икки нафар ўқувчи ўртасида ўтказилган синов жараёнида яққол намоён бўлди. Тажрибада 119-131-146-сон умумий ўрта таълим мактабларининг 6-9-синф ўқувчилари иштирок этди. Унда сўзни изоҳлаш усули<sup>3</sup>дан фойдаланилди. Мавҳум лексемаларнинг маъноларини оғзаки нутқ орқали адабий тил меъёрларига мувофиқ ҳолда ифодалашга йўналтирилган ушбу

<sup>1</sup> Қаранг: Миртожиев М.М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. - Тошкент: Университет, 2004. - Б. 160.

<sup>2</sup> 3.3. бўлимда социолект элементи сифатида талқин қилинган материаллар 2005-2006 йилларда Тошкент шаҳрида яшовчи М.Ғаниев, О.Тўлаганов, Н.Усмонов ва А.Тожиевлар нутқи устида олиб борилган бевосита кузатувларга кўра қайд этилган.

<sup>3</sup> Қаранг: Азимова И.А. Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психоллингвистик тадқиқи. Филол. фан. номз. ... дис. - Тошкент, 2008. - Б. 7.

синов жараёнида саккиз нафар ўқувчи фаоллик кўрсатди: М.Эркинова (14 ёш) томонидан *туш* сўзининг маъноси *уйқудаги кино* тарзида изоҳланди. Биз мазкур нутқий ифодани таҳлил қилишда *туш* тушунчасига берилган таърифнинг бола тафаккури билан боғлиқ қандай психик жараёнлар таъсирида юзага келганлигини аниқлаш учун ундан сўзнинг маъносини мисоллар орқали тушунтиришини сўрадик. Бола билан суҳбат жараёнида аниқланишича, у юқоридаги тушунчани таърифлашда тушдаги воқелик кинодаги каби ҳар доим ҳам ҳақиқатга тўғри келавермаслигига асосланган. Бу ҳолат, бир томондан, мактаб ўқувчисига лисоний қобилиятнинг шаклланиш динамикасини ифодаласа, иккинчи томондан, ўзбек тили лексик-семантик тизимининг жадал ривожланиб бораётганлигидан далолат беради.

Мазкур масалага доир тадқиқотда эътироф этилишича, рус миллатига мансуб юқори синф ўқувчилари томонидан мавҳум тушунча англлатувчи лексик birlikлар доимий равишда муқобил шаклда қабул қилинмайди. Шунга кўра, ўсмирлар нутқига оид мавҳум сўзларнинг маънолари тизимли ва тизимсиз семаларга ажратилади. Унда тизимли маънолар луғатларда акс этиши, тизимсиз маънолар эса бундай хусусиятга эга бўлмаслиги алоҳида таъкидланади<sup>1</sup>.

Ўзбек болаларнинг перцептив луғатига оид мавҳум лексемаларни талқин қилишда ҳам масалага шу нуқтаи назардан ёндашиш мақсадга мувофиқдир. Чунки тажриба давомида тўпланган бир қатор далиллар бу хусусда илгари сурилган назарияни амалиёт орқали исботлашга асос бўлади:

1. Тизимли маънолар. Бундай лексемаларнинг маънолари ўзбек тилининг изоҳли луғатида ўз ифодасини топган<sup>2</sup>: Н.Султонова (15 ёш) *армон* лексемасининг маъносини *эриша олмайдиган, амалга ошмайдиган орзу* тарзида талқин қилган.

2. Тизимсиз маънолар. Бундай мавҳум сўзларнинг маънолари луғатларда қайд этилмаган: М.Тойиров (14 ёш) *садоқат* тушунчасини *инсонлар ўртасидаги ишонч, ўзаро ҳурмат* тарзида изоҳлаган.

Умуман олганда, перцептив луғатнинг шаклланиши, сўз бойлигининг кенгайиши ва янги лексик birlikларни ўзлаштириш инсоннинг бутун ҳаёти мобайнида давом этади. Бироқ бошланғич ва юқори синф ўқувчилари томонидан мавҳум сўзлар семантикасининг қабул қилинишида кескин тафовутлар кузатилади. Болалар ва ўсмирлар нутқига хос семантик муносабатлар уларнинг руҳиятида кузатиладиган ақлий ва ҳиссий билиш жараёнидаги ютуқларга боғлиқ бўлади. Идрок этиш фаолияти юқори даражада ривожланган болалар ақлий фаолияти нисбатан суст болаларга қараганда нутқни тез тушунадилар ва мулоқот вазиятида сўзларни семантик жиҳатдан боғлай оладилар. Чунки улар атроф-муҳитдаги ўзлари учун кизиқарли бўлган нутқ воқелигига нисбатан семантик муносабатда

<sup>1</sup> Гришук Е.И. Особенности семантики абстрактных лексем в языковом сознании старшего школьника. <http://www.iling.spb.ru/grammatikon/child/contence.html> - 31.05.2004. - С. 63-66.

<sup>2</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдли. - Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006-2008. - 592 б.

бўладилар. Тенгкур болалар перцептив луғатида бундай тафовутларнинг юзага келиши уларнинг баъзиларида учрайдиган ақлий чекловлар (фикрлаш доирасининг торлиги) билан боғлиқ бўлади. Бу эса ўз навбатида болаларнинг когнитив фаолиятини акс эттиради.

## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Ўзбек болалар нутқи лексикасини социопсихолингвистик аспектда тадқиқ этиш мақсадида олиб борилган илмий изланишлар, амалий кузатув ҳамда тажриба натижаларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида кўйидаги хулосаларга келинди:

1. Боланинг 9 ойдан 3 ёшгача бўлган даврида баъзи тушунчаларни ифодаловчи номинатив бирликлар мулоқот муҳитига боғлиқ равишда унинг нутқида ўзига хос тарзда акс этади. Онтогенез жараёнида бундай лексик воситалар ижтимоий омиллар таъсирида пайдо бўлади ва семантик жиҳатдан умумийлик ёки ўзига хослик касб этади.

2. Бола 3 ёшга қадам кўйиши билан унинг вербал мулоқотида ҳудудий белгилар асосида намоён бўлувчи лексик диалектизмларнинг ўрнини меъёрий луғавий бирликлар тўлдириб боради. Болада нутқ меъёрларини ўзлаштириш кўникмасининг шаклланиши таълим жараёнида тил қоидаларини чуқур эгаллашга асос бўлади.

3. Тажриба натижаларига кўра, 3-4 ёшли айрим болалар томонидан сўзлар воситасида фикрнинг эркин ифодаланишида лисоний тўсиқлар мавжудлиги англашилди. Бу тўсиқлар болаларнинг оилавий муҳити, мулоқотга киришишнинг руҳий ва нутқий тайёргарлик ҳолатига боғлиқ эканлиги аниқланди.

4. Бола 4 ёшдан 6 ёшгача бўлган даврида катталар нутқида оид сўзларнинг маъноларини тушунишда қийинчиликларга дуч келса, вазиятдан чиқишнинг қулай йўллари йўлаб топишга ҳаракат қилади. Натижада боланинг катталарга берган жавоблари тил ва тафаккур қонуниятларига номувофиқ тарзда ифодаланади.

5. Болалар нутқининг номинатив аспекти ўзига хос хусусиятларга эга. Олиб борилган кузатишлар асосида ўзбек болалар нутқида хос номинациянинг тўрт типи аниқланди:

- метафорик номинация – воқелик, нарса-ҳодисани ўхшашлик асосида номлаш;

- метонимик номинация – воқелик, нарса-ҳодисани алоқадорлик асосида номлаш;

- субститутив номинация – бола томонидан ўзлаштирилган янги лексемаларнинг луғат захирасида мавжуд бўлган сўзлар билан алмаштириб қўлланиши;

- ассоциатив номинация – воқелик, нарса-ҳодисани тасаввурлар ассоциацияси асосида номлаш.

6. Нутқий номинациянинг муҳим омили бўлган ясама сўзлар сўз ясаши жараёнлари натижаси сифатида болалар нутқининг ривожланишига

оид янги жиҳатларни характерлайди. Болалар нутқига хос индивидуал неологизмларнинг аксарияти аналогия ҳодисаси туфайли юзага келган окказионализмлардан иборат бўлиб, улар гўдак томонидан луғат захирасида мавжуд феноменологик намуна асосида кашф қилинади.

7. Баъзан бола тил луғат тизимига хос имкониятларни ўзлаштириш жараёнида диглоссия ҳодисасига дуч келади. Бир тилнинг икки шакли ёки икки тилдан фойдаланиш натижасида юзага келувчи лексик муаммоларни аниқлаш ўқувчиларнинг саводхонлик даражасини белгилашга ёрдам беради.

8. Сунъий билингвизмнинг шаклланиш жараёнида хорижий тилни ўзлаштираётган болалар томонидан муайян лексема ёки синтактик қурилма таркибидаги сўз тартибининг ифодаланишида лексик-грамматик жиҳатдан айрим ўзига хосликлар кўзга ташланади. Чунки Ўзбекистондаги лисоний вазият мувозанатлашмаган эндоглоссия ҳолатини акс эттиради.

9. Бошланғич ва юқори синф ўқувчилари нутқи лексикасига хос фарқли хусусиятлар улар томонидан кўп маъноли сўзлар ўртасидаги семантик муносабатларни аниқлаш жараёнида яққол акс этади. Ўқувчилар нутқида кузатиладиган лексик-семантик хусусиятларни тадқиқ қилишда интеллектуал-психологик ўйинлар муҳим аҳамият касб этади.

10. Юқори синф ўқувчиларининг лисоний онгида мавжуд мавҳум лексема маъноларини индивидуал-психологик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда тадқиқ этиш болалар тафаккур тарзига хос ўзгаришлар таъсирида улар нутқининг жадал ривожланиб бораётганлигини аниқлашга имкон беради. Чунки ўсмирлар перцептив луғатида ўзбек тилининг лексик қатламида мавжуд бўлмаган кўплаб янги маънолар ҳам ўз аксини топади.

## **ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ**

1. Қурбонова М. Боланинг ижодий маҳсули (Тошкент шаҳрида яшовчи ўзбек болалар нутқи мисолида) // Бакалаврият талабаларнинг илмий мақолалар тўплами (2005 йил апрель – май ойларида ўтказилган анъанавий анжуманлар материаллари асосида, Гуманитар йўналиши). - Тошкент: Ўзбекистон Миллий университети, 2005. - Б. 130-133.

2. Қурбонова М. Мулоқот – тил меъёрларини ўзлаштиришнинг муҳим воситаси сифатида // “Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш – давр талаби” мавзусидаги бешинчи илмий-амалий конференция материаллари. - Тошкент: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, 2005. - Б. 534-537.

3. Қурбонова М. Ўйин жараёнида бола нутқий фаолияти // Бир сафда. - Тошкент, 2005. - № 3. - Б. 22-23.

4. Қурбонова М. Кичик ёшдаги ўзбек болалар нутқининг лексик хусусиятлари // Иқтидорли талабалар республика илмий-амалий анжумани тезислар тўплами (1-3 март 2007 йил). - Тошкент: Ўзбекистон Миллий университети, 2007. - Б. 109-111.

5. Қурбонова М. Болалар нутқининг номинатив аспекти // Иқтидорли талабалар республика илмий-амалий анжумани материаллари. - Тошкент: Ўзбекистон Миллий университети, 2007. - Б. 56-62.
6. Қурбонова М. Бола луғат захирасининг бойиш омиллари / Олий ўқув юртларида тил ва адабиёт фанларини ўқитишнинг назарий ва амалий жиҳатлари. Тошкент давлат юридик институти илмий мақолалар тўплами. -Тошкент, 2007. - № XIV. - Б. 173-177.
7. Қурбонова М. Болалар нутқи лексикасининг ўрганилиши // Филология масалалари. - Тошкент, 2007. - № 4. - Б.100-103.
8. Қурбонова М. Боланинг перцептив луғати // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент, 2008. - № 2. - Б. 79-81.
9. Қурбонова М. Болалар нутқига хос ясама сўзлар семантикасининг психолингвистик талқини // Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. -Тошкент, 2008. - № 1. - Б. 99-101.
10. Қурбонова М. Бола номинатив фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари / Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. - Тошкент: ТДПУ, 2008. -№ 2. - Б. 114-117.
11. Қурбонова М. Бола фаол луғатининг такомиллашувида интеллектуал-психологик ўйинларнинг аҳамияти // Аспирант, тадқиқотчи, магистр ва бакалавр талабалар илмий-амалий конференцияси материаллари. - Тошкент: Ўзбекистон Миллий университети, 2008. - Б. 132-135.
12. Қурбонова М. Бола мулоқот хулқи ва лисоний қобилиятининг шаклланишида сўзнинг ўрни // Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. - Тошкент, 2008. - № 3. - Б. 140-143.
14. Қурбонова М. Болаларга хос нутқий номинация назарияси хусусида баъзи мулоҳазалар // “Университет таълими: кеча, бугун, эртага” мавзусидаги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллигига бағишланган ёш олимлар илмий-амалий конференцияси материаллари. - Тошкент, 2008. - Б. 204-206.
15. Курбанова М. Некоторые лексико-семантические особенности речи учеников начальных классов // “Тіл және жаһандану: бүгін мен болашағы” мавзусидаги халқаро илмий-назарий конференция материаллари. Алматы, 2008. - С. 202-205.
16. Курбанова М. Социолингвистическое исследование лексических диалектизмов в речи узбекских детей // Объединенный научный журнал. - М.: 2009. - № 3.(221) - С. 25-26.

Филология фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Қурбонова Мунаввара Абдужабборовнанинг 10.02.19 –Тил назарияси ихтисослиги бўйича “Ўзбек болалар нутқи лексикасининг социопсихолингвистик тадқиқи” мавзусидаги диссертациясининг

## РЕЗЮМЕСИ

**Таянч сўзлар:** онтолингвистика, мулоқот муҳити, нутқий хулқ, лисоний қобилият, диглоссия, сунъий билингвизм, лисоний вазият, номинация, сўз-ижод, индивидуал неологизм, социолект, перцептив луғат, лексик ўйин, мавҳум лексема.

**Тадқиқот объектлари:** Сирдарё, Андижон вилоятлари ва Тошкент шаҳар шеvasида сўзлашувчи болалар нутқи лексикаси.

**Ишнинг мақсади:** ўзбек болалар нутқи лексикасини социопсихолингвистик аспектда тадқиқ этиш орқали функционал-семантик жиҳатдан муштарак ва ўзига хос хусусиятларни аниқлаш.

**Тадқиқот методлари:** кузатиш, тажриба, сўров, суҳбат, сўзни изоҳлаш, тавсифлаш, тест, билим даражасини аниқлаш, ижтимоий шароитни таҳлил қилиш, қиёслаш, семантик дифференциация, таснифлаш, субституция, кластер, статистик метод.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** болалар нутқида ижтимоий омиллар таъсирида юзага келувчи лексик диалектизмлар семантик хусусиятларига кўра гуруҳларга таснифланди; диглоссия ва сунъий билингвизмнинг бола лексиконига таъсири тадқиқ этилди; болалар нутқида хос сўзнинг номлаш функцияси асослари ёритилди; болалар нутқида оид индивидуал неологизмларнинг юзага келиш сабаблари аниқланди; болалар лисоний қобилиятининг шаклланиши ва ривожланишида лексик ўйинларнинг аҳамияти баён этилди; болалар ва ўсмирлар перцептив луғатида мавҳум лексемаларнинг ифодаланиши таҳлил қилинди.

**Амалий аҳамияти:** тадқиқот натижаларидан болалар луғат захирасини янги лексик бирликлар билан бойитиш орқали уларнинг нутқини ривожлантириш учун амалий тавсиялар, социолингвистика ҳамда психолингвистика курслари бўйича ўқув қўлланма ва дарсликлар ёзишда фойдаланиш мумкин.

**Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** диссертация натижаларидан Ўзбекистон Миллий университетида тилшунослик назарияси, социолингвистика ва психолингвистика курсларини ўқитишда фойдаланилмоқда.

**Қўлланиш соҳаси:** социолингвистик ва психолингвистик тадқиқотлар, филология йўналишидаги мутахассислик фанлари.

## РЕЗЮМЕ

диссертации Курбановой Мунаввары Абдужаббаровны на тему: «Социопсихолингвистическое исследование лексики в речи узбекских детей» на соискание ученой степени кандидата филологических наук по специальности 10.02.19 – Теория языка.

**Ключевые слова:** онтолингвистика, сфера общения, речевое поведение, языковая способность, диглоссия, искусственный билингвизм, языковая ситуация, номинация, словотворчество, индивидуальный неологизм, социолект, перцептивный словарь, лексическая игра, абстрактная лексема.

**Объекты исследования:** лексика речи детей Сырдарьинской, Андижанской областей, а также города Ташкента.

**Цель работы:** определить с функционально-семантической точки зрения универсальные и специфические особенности лексики речи детей узбеков в социопсихолингвистическом аспекте.

**Методы исследования:** наблюдение, эксперимент, опрос, беседа, истолкования слова, описания, тест, метод уровня образования, анализ социальных условий, сопоставление, семантическая дифференциация, классификация, субститутивный, кластер, статистический метод.

**Полученные результаты и их новизна:** осуществлена классификация лексических диалектизмов речи детей по семантическим особенностям, возникающих под воздействием социальных факторов; исследовано влияние диглоссия и искусственного билингвизма на лексикон ребенка; раскрыты основы номинативной функции слова в речи детей; определены причины появления индивидуальных неологизмов в детской речи; выявлена роль лексических игр в становлении и развитии детской языковой способности; проанализированы абстрактные лексемные выражения в детских и подростковых перцептивных словарях.

**Практическая значимость:** полученные результаты могут быть использованы при разработке практических рекомендаций по развитию детской речи, при обогащении словарного запаса новыми лексическими единицами, а также в создании учебников, учебных пособий по курсам социолингвистики и психолингвистики.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** результаты диссертации применяются в преподавании курсов по теории языкознания, общее языкознание, социолингвистики и психолингвистики в Национальном университете Узбекистана.

**Область применения:** социолингвистическое и психолингвистическое исследования, специальные дисциплины филологического направления.



## RESUME

Thesis of Qurbonova Munavvara Abdujabbarovna on the scientific degree competition of the Candidate of philological sciences on speciality 10.02.19 – Theory of language, subject “**Sociopsycholinguistic research of lexicon of Uzbek children’s speech**”.

**Key words:** ontolinguistics, communicative environment, speech behavior, linguistic competence, diglossia, artificial bilingualism, linguistic situation, nomination, word-creation, individual neologism, sociolect, perceptive vocabulary, lexical game, abstract lexeme.

**Subjects of the inquiry:** lexicon of children’s speech speaking in Sirdarya, Andijan and Tashkent dialects.

**Aim of the inquiry:** to define universal and specific peculiarities of Uzbek children’s lexicon by from the functional-semantic point of view in sociopsycholinguistic aspect.

**Methods of inquiry:** observation, experiment, questioning, conversation, word interpretation, descriptions, test, method of level education, analysis of social condition comparison, semantic differentiation, classification, substitution, cluster, statistical method.

**The results achieved and their novelty:** lexical dialectisms in children’s speech emerging because of social factors were done classification of according to their semantic characteristics; the influence of diglossia and artificial bilingualism in children’s lexicon was researched; the nominative functional bases of the words in children’s speech were revealed; the reasons of emerging of individual neologisms in children’s speech were defined; the role of lexical games in the formation and development of linguistic competence of children was revealed; the expressions of abstract lexemes in perceptive vocabulary of children and adults were analysed.

**Practical value:** The results achieved may be used in practical courses for enlarging children’s lexicon with new lexical expressions, for practical suggestions aimed at developing children’s speech and in writing courses on sociolinguistics and psycholinguistics.

**Degree of embed and economical effectivity:** the results of the dissertation are being used on the teaching courses theory of linguistics, general linguistics, sociolinguistics and psycholinguistics at the National university of Uzbekistan.

**Sphere of usage:** sociolinguistic and psycholinguistic researches, special discipline of philological directions.